ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ГУРЛАН ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
GURLAN TUMANI
HOKIMI
QARORI

2018 yil "08" Январь № 38 Gurlan shaharchasi

Гурлан туманининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон*) 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий параметрлари тўғрисида"ги 24-102-сонли ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 5 январдаги "Хоразм вилоятининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 5қ-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий параметрлари тўғрисида"ги 24-102-сонли ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 5 январдаги "Хоразм вилоятининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 5қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган:

туман маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

туман бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, республика бюджетидан ижтимоий соҳа учун трансфертлар миқдорлари 2-иловага* мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 3-иловага* мувофиқ;

туманлар захира жамғармаси миқдорлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман молия бўлимининг 2017 йилги туман маҳаллий бюджети даромадларини 39,4 млрд.сўм ва харажатларини 79,6 млрд.сўм миқдорида аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

4. Мазкур қарор Гурлан туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган "Гурлан ҳаёти" газетасида эълон қилинган кундан кучга киради.

. 5. Гурлан туман ҳокимлиги (А.Эржанов)га мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Алламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Қ.Мадрахимов**